



## Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!



### Истиклол тенгдошлари, Ўзбекистон дилбандлари

Ўтган йигирма уч йил давомида мамлакатимизда чин маънода мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал салоҳият ва дунёқарашга эга, ўз олдига катта мақсадлар қўйган, фақат энг баланд марраларга интилиб, ёниб яшаётган янги авлод шаклланди. Бугун улар — менежер, замонавий корхона раҳбари, фермер, тадбиркор, Давлат мукофоти соҳиби, фан, санъат соҳасидаги халқро танловлар ғолиби, жаҳон чемпиони... Бир сўз билан айтганда, улар Истиклол фарзандлари, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлод.

### Луиджи Ди Фронзо:

#### Италияда Ўзбекистон фортепьяно мактабига ҳурмат билан қарайдилар

Италиянинг марказий нашрларидан бири «la Repubblica»да эълон қилинган мақола эътиборимни тортиди. Унда муаллиф, италиялик муסיқашунос Луиджи Ди Фронзо жаҳон фортепьяно қироли, дея эътироф этилаётган ҳамюртимиз Беҳзод Абдураимов ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган. Биз италиялик муסיқашунос билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Италияда Ўзбекистон фортепьяно мактабига ҳурмат билан қарайдилар, — дейди у. — Чунки сўнги пайтларда мамлакатингиздан кўплай истеъдодли пианиночилар етишиб чиқмоқда. Ўзбекистонлик Станислав Юденичнинг куйларини тинглаганимда ўзимни худди бошқа оламга тушиб қолгандек ҳис қилгандим. Чунки умрим давомида бунақа ажойиб куй ижро этган санъаткорни учратмаганман. Станиславнинг шоғирди — Ўзбекистонлик Беҳзод Абдураимов эса бутун дунёда ҳақли равишда энг кучли пианиночи, дея тан олинмоқда. Мен унинг барча интервьюларини ўқиганман. Шу сабабли болалигим қандай ўтган, қаерда ўқиган — ҳаммаси ҳақида маълумотга эгаман.

— Унинг ижро маҳорати ҳақида нима дея olasиз?

— 2009 йилда у Лондондаги халқро танловда мутлақ ғолиб бўлди. Уша пайтда Беҳзод эндигина 19 ёшга кирганди. У ажойиб муסיқачи, куй чалиш техникаси ўзига хос. Ҳаракатларни назорат қилишда унга етадигани йўқ. Мен интернет орқали унинг концертларини томоша қилдим ва маҳоратига яна бир бор тан бердим. Беҳзод Абдураимов ҳали ёш. Ўз устида ишлашда давом этса, янада юксак марраларни забт этади.

— Ўзбекистонлик яна бир ёш истеъдод эгаси, Беҳзод Абдураимовнинг издоши Искандар Мамадалиев ҳақида фикрингиз қандай?

— 2012 йилда Миланда ўтказилган халқро танловда ўзбекистонлик ёш пианиночи ғолиб бўлгани ҳақида ўқигандим. Лекин Искандарнинг куйларини ҳали жонли тинглаганим йўқ. Фақат интернет орқали баъзи видеоларини кўрдим. Юксак иқтидор эгаси бўлган бу бола Беҳзоднинг ораси Дилафрўз Мамадалиевнинг ўғли эканини билмаган эканман. Айни пайтда Искандар 12 ёшда. Бу ҳар қандай санъаткор учун ўз маҳоратини кўрсатиши, янада ўсиши учун жуда қулай давр.

— Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» халқро фестивалида италиялик кўплай санъаткорлар иштирок этиб келишмоқда...

— Дунёнинг турли мамлакатларида яшовчи икки одам учрашиб қолса, уларнинг бирданига тил топиб кетиши қийин. Бироқ улар санъаткор бўлса, муסיқа тилида суҳбат қуришади. Бу тилда ҳамма гапира олади, ҳамма бу тилни тушунади. «Шарқ тароналари» фестивали кўплай санъаткорларни баргига чорлаётгани, жаҳон муסיқаси ривожига улкан ҳисса қўшаётгани билан ҳам қадридли. Фестиваль халқлар ўртасида маданий алоқалар ўрнатиш, ривожлантириш ва янги даражага олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

— Ёш ўзбек муסיқачиларига тилакларингиз?

— Сўнги йилларда юртингиздан кўплай иқтидорли санъаткорлар етишиб чиқмоқда. Уларга айтганим сўзим: ўз олдингизда фақат энг юксак марраларни забт этиш мақсадини қўйинг. Шу йўлда меҳнат қилинг, интилинг. Ана шунда сизни дунё тан олади.

«Ўзбекистон овози» муҳбири Темур АЪЗАМ суҳбатлашди.

### Сайловчилар мурожаатлари билан ишлаш депутат фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир

Зарафшонлик Муқаддас Ҳамидова ўтган йили Навоий давлат педагогика институтини тамомлади. Бироқ мутахассислиги бўйича иш топишда қийналиб қолди. Шундан сўнг у халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Гулжаҳон Қаршиевадан ёрдам сўради. Депутат унинг мутахассислиги ҳақидаги маълумотларни ўргангач, бу масала юзасидан вилоят халқ таълими бошқармасига мурожаат этди. Бироз муддат ўтиб, Муқаддас Зарафшон шаҳридаги 12-умумтаълим мактабига ишга жойлашди.

### Ўзбекистон ХДП қишлоқ аҳолисининг уй-жой, маиший шароитларини юксалтириш бўйича қабул қилинган давлат қарорларининг самарали бажарилишини таъминлаш, бу борда мутасадди идора ва ташкилотларнинг жавобгарлигини ошириш учун ҳаракат қилмоқда.

### МЕН НЕГА ЎЗХДПНИ ТАНЛАДИМ?

Мактабда ўқиётган пайтда турли кўрик-танловлар ва тадбирларда фаол иштирок этишга ҳаракат қилардим. Фан олимпиадаларининг туман ва вилоят босқичларида юқори ўринларни кўлга киритганман. Кейинчалик «Истиқбол» ёшлар қанотининг қатор тадбирларида қатнашдим. Шу жараёнда сиёсий партиялар фаолиятига қизиқа бошладим. Айниқса, ЎзХДПдан сайланган депутатларнинг амалий ишлари менда катта таассурот қолдирди. Тенгдошларим билан фикр алмашдик. ХДПнинг ёшлари иш билан таъминлаш, сиёсий-хуқуқий билимини ошириш, ҳаётда ўз ўринларини топишга кўмаклашаётганини кўриб, шу партияга аъзо бўлишни истадим. Шундан сўнг «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг Кўкон шаҳар босқичида иштирок этиб, ғолиб бўлдим. Ўзимга ишончим, тажрибам ва маҳоратим ошди. Бу менга катта ҳаётда қўл келишига ишонаман. Яқинда касбунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Ватани севмоқ иймондандир» кўрик-танловининг республика босқичида 1-ўринни кўлга киритдим. Бундан ташқари, «Орт келажиги» танловида ҳам қатнашиб, вилоят босқичида 1-ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланмага эга бўлдим. Ҳозир ушбу танловга пухта тайёргарлик кўраяман. Партияимизнинг гоёларини инсонпарвар гоёлар, деб ҳисоблайман. Мен ҳам ана шу эзгу ишларда фаол қатнашишни мақсад қилганман. Муштарийбону АШАМАТОВА, ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Кўкон шаҳар бўлими аъзоси.

### ЎзХДП: ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

### Партия ташкилотлари ва депутатлик тузилмаларининг

### беш йиллик фаолияти таҳлил этилди

Наманган шаҳар партия ташкилотининг V ҳисобот-сайлов конференциясида ўтган беш йиллик фаолият таҳлил этилди. Олдинда турган муҳим сиёсий жараёнларда муносиб иштирок этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

► Давоми 2-бетда.



### Биз Ватанда, Ватан биздадир...

4-бет

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

### Бошланғич ташкилот таъсир кучи

кимга ва нималарга боғлиқ?



www.uzbekistonovozi.uz

### ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Тошкент вилоят ўсма касалликлар диспансери видеоэндоскопия тўплами, хирургик лапароскоп, цистоскоп, сунъий нафас олиш аппаратлари, электрокоагуляторлар, электровакуум сўргичлари, назорат мониторлари каби замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Барча қулайлик ва шарт-шароитларга эга бўлган икки қаватли «Даволаш — диагностика» биноси эса фойдаланишга топширилди.

Диспансерда йигирмага яқин фан доктори ва номзодлари ҳамда олий тоифали шифокорлар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, касалликларни эрта аниқлаш ва аҳоли ўртасида санитария тарғибот ишлари олиб боришда фаоллик кўрсатмоқда.

— Бугунги тиббиёт инсон умрини узайтиришга, уни турли касалликлардан ҳимоя қилишга, аҳолининг тиббий маданиятини оширишга қаратилгани билан ҳам алоҳида эътиборга сазовор, — дейди бош шифокор, тиббиёт фанлари доктори Абдулла Абдихақимов.



### Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи сессияга масала киритди.

Тафсилотлар билан газетамизнинг кейинги сонларидан бирида танишасиз.



# Сайловчилар мурожаатлари билан ишлаш

## депутат фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир

Депутат ва ҳаёт

Дарҳақиқат, бугун ёшлар бандлигини таъминлаш, мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш долзарб масала ҳисобланади. Шу боис халқ депутатлари Навоий вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларида депутатларимиз мазкур масалага алоҳида масъулият билан ёндашмоқда.

Хусусан, ўтган йили биргина «250-Геолог» сайлов округидан халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига сайланган Гулжаҳон Қаршиева сай-ҳаракатлари натижасида Муқаддас сингари ўн нафар ёш ишга жойлашди. Уларнинг 6 нафари касб-хунар коллежи бити-

экан, шунга муносиб бўлиши керак, — дейди депутат. — Айниқса, сайловчиларнинг ҳар бир мурожаатига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ҳафтанинг ҳар шанбасида одамлар билан учрашаман. Бугун ҳеч ким қуруқ ваъдаларга ишонмайди. Уларга кўпроқ



Ўтган йили депутат масъул идора ва ташкилотлар раҳбарларига 18 марта депутатлик сўрови билан мурожаат этди. Уларнинг 16 тасида кўтарилган масалалар ижобий ечим топди.

Утган йили депутат масъул идора ва ташкилотлар раҳбарларига 18 марта депутатлик сўрови билан мурожаат этди. Уларнинг 16 тасида кўтарилган масалалар ижобий ечим топди. Жорий йилнинг ўтган орти ойи давомида эса сайловчилар мурожаатлари асосида 20 марта депутатлик сўрови юборилди. Мана шунинг ўзидек одамларнинг депутатга ишончи кундан-кунга ортиб бораётганидан далolat беради. Яқинда Зарафшон шаҳридаги 13-умумтаълим мактаби ўқитувчиларидан бир гуруҳи соғломлаштириш мажмуаларида дам олиш учун йўланма олишда муаммоларга дуч келлаётгани тўғрисида маълум қилди. Вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси раҳбарига депутатлик сўрови юборилиши

натижасида муаммо ҳал этилди. «Дагустов» худудиди йўллар анча вақтдан буён таъмирталаб ҳолда эди. Шу ерда истиқомат қилувчи оқсоқоллар йўллари таъмирлаш масаласини тегишли дастурларга киритиш учун ёрдам сўраб мурожаат қилишди. Депутатнинг шаҳар ҳокимига депутатлик сўрови билан чиқши натижасида йўллар реконструкция қилинди. Маълумки, партиямиз Сайловолди дастурида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шунинг учун бу борада партияннинг ҳар бир фаоли, депутати ўзини бурчли ҳисоблаши зарур. Яқин кунгача 5-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг спорт

билан шуғулланишлари учун етарли шароит йўқ эди. Гулжаҳон Қаршиеванинг мазкур масала бўйича халқ таълими бошқармаси бошлиғига юборган депутатлик сўрови натижасида мактабнинг спорт зали 17 турдаги анжомлар билан таъминланди. Янги ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар барча имкониятларга эга спорт залида машғулот ўтказади. — Албатта, мавжуд имконият, берилган ваколатдан бундан-да самарали фойдаланиш лозим, — дейди Гулжаҳон Қаршиева. — Ҳали қилишимиз зарур бўлган ишлар жуда кўп. Партиямиз тизимидаги Жамоатчилик қабулхоналари нафақат электорат муаммолари, балки жойлардаги мавжуд катта-кичик ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Демак, аҳолидан тушаётган мурожаатларни таҳлил қилиш, соҳалар кесимида ўрганиш ва ҳал этиш юзасидан иш олиб боришимиз керак. Шундагина биз сиёсий куч сифатида жамиятда мустақкам муаммога эга бўламиз. Сайловчилар ишончини оқлаймиз.

Илҳом САТТОВОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: ҳисобот-сайлов конференциялари

— Бугунги кунда шаҳримиздаги 112 бошланғич партия ташкилотига 3300 нафарга яқин партия аъзоси бирлашган, — деди ЎзХДП Наманган шаҳар кенгаши раиси Маматвали Турғунов. — Уларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш ҳамда сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида доимий равишда сиёсий ўқувлар, тарғибот тadbирлари, семинар-тренинглр ўтказаямиз. Шу боис ўтган давр мобайнида сафимизга кўплаб иқтидорли ёшлар қўшилди.

# Партия ташкилотлари ва депутатлик тузилмаларининг

## беш йиллик фаолияти таҳлил этилди

Ҳозир халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳимизда 14 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Улар турли ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож, жисмоний имконияти чеklangан кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича ташаббусларни изчил илгари суряпти. Мисол учун 2013 йилда халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида партия гуруҳимиз ташаббуси билан икки масала муҳокама этилди.

Депутатларимиз аралашуви билан 200 дан ортиқ ижтимоий аҳамиятга эга масала жойида ҳал этилди. Ҳисобот маърузасидан сўнг тафтиш комиссияси раиси Олимжон Жақбаровнинг ҳисоботи эшитилди. Шунингдек, халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Олимжон Хасанов, «Тўқувчи» МФЙ раиси Сабоҳат Шокирова, «Истикбол» ёшлар қаноти етакчиси Махмуджон Довуджонов ва бошқалар сўзга чиқиб, амалга оширилган ишлар, навбатдаги вазифалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Конференцияда ташкилий масала кўрилди. ЎзХДП Наманган шаҳар кенгаши ва ижроия кўмитасининг янги таркиби тасдиқланди. Тадбирда Наманган вилоят партия кенгаши раиси Дилором Абдурахимова сўзга чиқиб, партия ташкилотларининг галдаги вазифалари, сайловларга муносиб тайёргарлик кўриш билан боғлиқ долзарб масалалар юзасидан тақлиф-мулоҳазаларини билдирди. ЎзХДП Наманган туман ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси ҳам қилинган ишларга танқидий ёндашув асосида ўтди. Наманган туман партия кенгаши раиси Умиджон Солиев эришилган ютуқ ва йўл кўйилган камчиликларга тўхталди. Шунингдек, у асосий эътиборни сайловларга тайёргарлик, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳамда халқро тажриба хуқуқиди фикр юритди. 41 бошланғич партия ташкилоти, 2900 нафардан зиёд партия аъзосининг куч ва имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Конференцияда Наманган вилоят партия ташкилоти конференциясига делегатлар сайланди. Анжуман якунида 15 нафар ёш йигит-қизга партияга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўтган йили депутат масъул идора ва ташкилотлар раҳбарларига 18 марта депутатлик сўрови билан мурожаат этди. Уларнинг 16 тасида кўтарилган масалалар ижобий ечим топди.

рувчиси бўлса, қолганлари оилавий тadbиркорлик билан шуғулланиш истагидаги ёшлар эди. — Халқ бизга ишониб, қўллаб-қувватлаб овоз берган

амалий иш керак. Шу боис фуқароларни ўйлантираётган ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан аниқ натижага эришиш, жисмоний имконияти чеklangан кишиларга ҳар томонлама кўмаклашишга ҳаракат қиламиз.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

# Одам савдосига қарши ҳамкорликда курашиш зарур

ЎзХДП ҳаётидан

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан Учтепа туманида одам савдосига қарши курашишда партия ташкилотлари иштирокини кучайтириш масаласига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, «Фаол аёллар» ва «Истикбол» ёшлар қаноти аъзолари, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар бу турдаги жиноятлар одатда ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз қолган фуқаролар, қийинчиликка учраган хотин-қизлар ва ёшлар ҳисобига кенгаётганини таъкидлади. Шу боис партиямиз фаоллари, депутатлар кенг жамоатчилик билан учрашувларда одам савдосига қарши курашиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ушбу иллатнинг хавфи ва оқибатларини кенг тушунтириш, фуқароларни бу борадаги вазиятдан огоҳ этиш ишларини янада кучайтиришга эътибор қаратишмоқда.

Шунингдек, давра суҳбатида одам савдоси жиноятининг содир этилишига шароит яратадиган омилларни таҳлил этиб, шундан хулоса чиқариб, тегишли чора-тадбирлар белгилаш, бу борада нодавлат-нотижорат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Тадбирда билдирилган фикр-мулоҳазалар, тақлифлар асосида одам савдосига қарши курашишни изчил олиб бориш юзасидан давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик йўналишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши Матбуот хизмати.

ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРИ

**Испания дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидан бири ҳисобланади. Бошқарув шакли парламент монархияси бўлган ушбу давлатда расман 500 дан ортиқ сиёсий партия рўйхатдан ўтган. Партиялар мазкур мамлакат ҳаётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки, парламентда энг кўп ўрин олган сиёсий партия ҳукуматни шакллантиради. Шу боис ҳар бир фуқаро у ёки бу сиёсий партияга аъзо бўлиш, сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишга ҳаракат қилади.**

Испания парламенти икки палатали бўлиб, депутатлар палатаси ва Сенатдан иборат. Депутатлар палатасида 350 нафар депутат фаолият юритади. Депутатлар қонун лойиҳаларини ишлаб чиқади, давлат бюджетини лойиҳасини тайёрлашда иштирок этади. Куйи палатада турли соҳаларни қамраб олган 20 кўмита иш олиб боради.

Парламентда камиди 15 ўринга эга бўлган партиягина фракция туза олади.

Юқори палата, яъни Сенат, 266 нафар аъзодан иборат. Уларнинг 208 таси тўғридан тўғри овоз бериш йўли билан сайланса, 58 нафари худудлардаги органлардан сайланади. Сенаторлар 4 йил муддатга сайланади.


Бугунги Испания сиёсий майдонида асосан икки етакчи партия кураш олиб бормоқда. Сўнгги йилларда бошқа сиёсий партиялар Испания социал ишчи партияси ҳамда Халқ партиясидан кейинги ўринларда қолиб кетмоқда.

Социал ишчи партияси 1879 йилда ташкил этилган. Партия ҳаётида юз берган сиёсий ва мафқуравий янгиланишлар натижасида 1982-2004 йиллар давомида мамлакатдаги етакчи партияга мақомига эга бўлди. Ундан кейинги даврда эса асосан муҳолифат партия вазифасини бажармоқда.

Испания парламенти 2011 йил 20 ноябрда ўтказилган охириги сайловларда мазкур партия депутатлар палатасидан 110, Сенатдан эса 63 ўринга эга бўлди. Европарламентда 14 нафар депутат иш олиб борапти.

Дастлаб партия гоаярида оддий меҳнатқашлар, ишчи қатлам вакиллари манфаатлари ифода этилган бўлса, 1979 йилдан эътиборан социал-демократик тамойилларга урғу берилмоқда.

2004 йил 14 мартда ўтказилган парламент сайловлари социал-демократик мувафақияти билан тугади. Ушбу партия жами сайловчилар-



ИСПАНИЯ:

# Сиёсий партиялар давлатнинг ривожланиш стратегиясини белгилаб беради

нинг 42,6 фоиз овозини кўлга киритди. Парламент куйи палатасида 164 депутатлик ўрнига эга бўлди. Уларнинг асосий рақиб Халқ партияси эса 148 ўрин билан кифояланди.

Партиянинг ташкилий тузилмасига кўра, унинг ташкилотлари бутун Испания бўйлаб фаолият олиб боради. Бугунги кунда партияннинг 460 минг нафардан ортиқ аъзоси мавжуд. Федерал съезд партияннинг олий органи ҳисобланади. Съездда партияннинг дастури, кейинги фаолиятига доир муҳим масалалар муҳокама этилади ҳамда партияннинг етакчиси сайланади. Шунингдек, «Ёш социалистлар» ҳамда аёллар ҳаракати етакчилари танлаб олинади.

Партиянинг худудлардаги органлари федерация деб юритилади. Ҳар бир федерация автоном орган ҳисобланади. Яна бир қизиқ жиҳат, Испаниядаги йирик партиялар тизимида фондлар ҳам фаолият юритади. Мисол учун 1984 йилда ташкил этилган Социал ишчи партиясидаги фонд аҳолининг сиёсий, ижтимоий ҳамда иқтисодий дунёқарашини ўрганиш устида иш олиб боради.

Халқ партияси нафақат Испаниядаги балки, Европадаги йирик партиялардан биридир. Бугунги кунда унинг аъзоси 500 минг нафардан ортади. Партия етакчиси Мариано Рахо ҳисобланади.

Парламентда ўтказилган сўнгги

сайлов натижасига кўра, мазкур сиёсий куч мамлакатда етакчи партия мақомига кўлга киритди. Сайловчиларнинг 44,62 фоизи айнан шу партияга овоз берди. Натижада парламент куйи палатасида 186 депутатлик мандатига эга бўлди. Сенатдан эса 110 ўринни эгаллади.

Миллий кенгаш партияннинг бош органидир. Худудий кенгашлар эса жойларда партия фаолиятини ташкил этиш билан шуғулланади.

Бундан ташқари, Испанияда Басклар миллий партияси, Наварра халқ уюшмаси, Валенсияликлар уюшмаси, Андалусияликлар партияси ҳамда Арагония худудий партияси каби кўплаб худудий сиёсий партиялар ҳам фаолият кўрсатади.

Испанияда сиёсий партиялар давлатнинг ривожланиш стратегиясини белгилаб беради. Партияларнинг ҳар бири ўз йўналишига эга бўлса-да, мамлакат тароққийети, аҳоли фаровонлиги, иқтисодий ривожланиш тиришдек эзгу мақсад уларни боғлаб туради.

Дунёда юз берган молиявий иқтисодий инқироз Испания иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатди. Шу боис кейинги ўтказилган сайловларда сиёсий партия ўз сайловолди дастурида инқироз оқибатларини бартараф этиш масаласига жиддий эътибор қаратишни режалаштирмоқда.

Нурали ПИРИМҚУЛОВ

Ижтимоий ҳимоя

Пастдаргом туманида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қарор ижроси юзасидан «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида касб-хунар коллежлари битирувчиларининг фестивали ўтказилди.

# Битирувчилар ишли бўлди

Туман ҳокимлиги, прокуратураси, аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш ва бандликка кўмаклашиш маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими, хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда корхона-ташкilotлар, коллеж битирувчилари учун 1200 дан ортиқ бўш иш ўрнини тақдим этди.

Тадбир давомида туманнинг «Камолот» маҳалласидаги намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлар қурилишида гишт терши, қурилиш-пардозлаш, электр пайвандлаш, дурадгорлик ишлари бажарилди. Зарафшон массивидаги дала шийонида эса ветеринария, зоотехник, ўсимликшунослик, ҳўжалик ишлари бўйича ҳуқуқшуно-

лик йўналишларида 250 дан ортиқ битирувчи йигит-қиз ўз иқтидорларини намойиш этди.

813 нафар битирувчи таълим олувчи бўлишига қўшимча равишда 100 дан ортиқ битирувчи кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Шунингдек, фестивал доирасида «Энг яхши битирувчи» ва «Энг яхши битирувчи» номинандилари топирилди. Шунингдек, фестивал доирасида «Энг яхши битирувчи» номинандилари топирилди. Шунингдек, фестивал доирасида «Энг яхши битирувчи» номинандилари топирилди.

Абдували ХУДОЁРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

# Истиқлол тенгдошлари, Ўзбекистон дилбандлари

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида Истиқлол билан бир вақтда дунёга келган, озод юрт ҳавосидан нафас олиб, вояга етган бутун ҳаётда катта ютуқларга эришган, Ватан ишончини оқлашни шараф, деб билган ёшлардан бир гуруҳининг орзу ниятлари билан қизиқдик.



**Ирода МАТМУРОДОВА,**  
Жиззах вилояти, Зулфия номидаги  
Давлат мукофоти соҳибаси:

рида ўтказилган мамлакат биринчилигида бронза медалини кўлга киритдим. Шундан сўнг мамлакат чемпионларида тўққизта олтин, учта кумуш ва тўртта бронза медали билан тақдирландим. 2008 йилда Таиландда ўтказилган ёшлар ўртасидаги ўн тўртинчи жаҳон чемпионатида, шунингдек, қатор Осиё чемпионатларида совриндор бўлдим.

Айни пайтда Жиззах давлат педагогика институтида тахсил олаётган. Бўш вақтларимда шахримиздаги Олимпия захиралари спорт коллежида мураббийлик қилиб, ёш спортчиларни тарбиялаш ишига ҳисса қўшаётган.

— Оилада уч нафар қизимиз. Катта оғам Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети магистратурасини битириб, Жиззах давлат педагогика институтида ўқитувчилик қилмоқда. Яна бир оғам ЎзМУ биология факультети магистратурасида тахсил олаётган.

Мен эса ҳаётда бошқа йўлни танладим. Спортчи бўлишга аҳд қилдим. Отанам ниятимни маъқуллаб, ҳар томонлама кўлаб-қувватлашди. Шахримиздаги 19-умумтаълим мактабини тамомлаб, Олимпия захиралари спорт коллежида ўқишга кирдим.

Ўн икки ёшдан бошлаб спортнинг дзюдо тури билан шуғулланиб келаман. Дастлаб 2004 йилда Қарши шаҳ-

Бугунги ёшлар истаган спорт тури билан шуғулланиши учун ҳамма жойда шариоит яратилган. Булар ҳаммаси истиқлол туфайли эканини яхши англайман. Асосий мақсадим — малакали мураббий бўлиб етишиб, Ватанимиз шашинни ҳимоя этадиган спортчиларни тарбиялаш.



**Аброр ПИРНАФАСОВ,**  
Тошкент шаҳри,  
«Шухрат» медали соҳибаси:

рид шаҳрида бўлиб ўтган 49-Халқаро математика олимпиадасида иштирок этиб, махсус диплом билан тақдирландим.

Германиянинг Бремен шаҳрида ўтказилган навбатдаги олимпиадада 104 давлатдан келган 565 нафар ўқувчи орасида 3-ўринни эгаллаб, бронза медалини кўлга киритдим.

Жорий йил АҚШнинг Калифорния штатида табиий фанлар бўйича ўтказилган биринчи Ўзбек-Америка конференциясида генетик алгебрага оид маъруза билан иштирок этдим.

Интилишларим юқори баҳоланиб, Президентимиз фармонида кўра, «Шухрат» медали билан тақдирландим. Бу мен учун билдирилган катта ишонч, албатта. Уни оқлаш учун сидқидилдан меҳнат қиламан.

— Бухоро вилоятида туғилганман. Аниқ фанларга бўлган қизиқишим туфайли Қорақўл туманидаги мактаб-интернатда тахсил олдим. Математика фанидан кўлаб республика ва Халқаро олимпиадаларда иштирок этиб, голиб бўлдим. Ҳозирги кунда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг механика-математика факультети магистратурасида ўқияман.

2008 йилда математика фани бўйича Ўзбекистон тармоқ жамоаси таркибига киришга муваффақ бўлдим. Шундан сўнг Испаниянинг Мад-

**Юлдузой ҲУМОНОВА,**  
Андижон вилояти, Зулфия номидаги  
Давлат мукофоти соҳибаси,  
ЎзХДП аъзоси:

кечаларда иштирок этдим. Ҳар йили Ёзувчилар уюшмаси томонидан «Дурмон» ижод уйида ўтказиладиган «Истеъдод мактаби» республика ёш ижодкорлар семинарида кўлаб шоиру ва ёзувчилардан сабоқ оламан.

2011 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландим. Ушбу эътибор ўзимга бўлган ишончнинг янада ошириди.

2013 йил Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзо бўлдим. Ҳозирда партия «Истиқбол» ёшлар қанотининг фаол аъзосиман.

Мақсад ва ҳаракат ҳамма ёнма-ён юради. Давлатимиз ва халқимиз кўрига ярайдиган инсон бўлиш оқилол мақсадим. Бунда ўзимга бўлган ишонч менга қанот бағишлайди. Қалбимда эса Истиқлол тенгдошиман, Ўзбекистон дилбандиман, деган қудратли сўз доимо жаранглаб туради.



— Юртбошимиз ҳар бир маърузасида ёшлар ҳақида тўхталиши, бизга катта ишонч билдириши, руҳлантириши менга ҳамма куч-қувват, фахр-ифтихор бағишлайди. Бугун мен ўзимни ҳеч иккиланмай бахтли инсонман, дея оламан. Боси, энг аввало, мустақил юртининг мустақил фарзанди сифатида қалбимдаги орзулар рўёбга чиқаяпти.

Болалигимдан адабиётга, аиникса, шеърийга қизиқаман. Дастлаб «Қалдирғоч» номи вилоят кўрик-танловининг «Энг яхши шеър» йўналиши голиби бўлдим. Журналистлар ижодий уюшмаси қошида ташкил этилган «Маҳорат мактаби»да тахсил олиб, илк журналистик фаолиятимни бошладим. Турли ижодий

**Наврўз ТЛЕУОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси,  
«Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови совриндори:

ги кунда 4-курсда таълим олаётган. Мамлакатимизда ўтказилаётган кўлаб кўрик-танловларда иштирок этаётган. 2013 йилда «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловида она юртимизни мадҳ этувчи кўшиқ билан қатнашиб, 2-ўринни кўлга киритдим. «Мардлар кўриқлайди Ватани» фестивалида эса 1-даражали дипломга лойиқ кўрилдим.

Бундан ташқари, ҳар йили нишонланадиган Мустақиллик ва Наврўз байрамлари ҳамда Конституция кунини муносабати билан ўтказиладиган тантаналарда мунтазам иштирок этиб келаяман.

Қайси касбни танламайлик, аввало, она Ватан, халқимиз учун хизмат қилиш муқаддас бурчимиз ҳисобланади. Инсон ана шу бурчини шараф билан оқласагина мартабаси ошади, обрў-эътибор топади.



— Нукус шаҳридаги 27-умумтаълим мактабидан ўқиганман. Ана шу ерда менда мусиқа ва санъатга қизиқиш пайдо бўлди. Мактабда ташкил этилган тугаракка қатнай бошладим. 2007 йили Нукус маданият касб-ҳунар коллежида ўқишни давом эттирдим. Бу даргоҳда мусиқа сирларини пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилдим. Ўқиш давомида турли концерт ва тадбирларда иштирок этдим. Биринчи қўшигимни халқаро Хотин-қизлар кунини муносабати билан ташкил этилган концертда ижро этдим.

Коллежни тамомлаб, ўз билим ва маҳоратимни янада ошириш мақсадида Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогик институтига ўқишга кирдим. Ҳозир-

— Йигит киши болалигидан Ватанга хизмат қилиш, унинг чегараларини кўриқлаш, халқи тинчлиги ва осойишталиги учун қалқон бўлишни орзу қилади. Мен ҳам юртимизни ҳимоя қилиш, бор куч-қувватимни унинг истиқболи учун сафарбар этишни, ҳарбий хизматга боришни ният қилардим.

Ниҳоят, 2012 йилда Андижон вилоятига ҳарбий хизматга юборилдим. У ерда сафдошларим билан йигитлик бурчини адо этдик. Ҳарбий билим ва кўникмаларимизни оширдик.

— Ёшлигимдан тикувчилик, зардўзликка меҳрим тушди. Уйда опа-сингилларим билан турли буюмлар, кийимлар тикардик. Бир кун тасодифан Чортоқ маданият саройида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўтказаятган тадбирда қатнашдим.

Унда тикувчилик, касаначилик билан шуғулланишнинг ҳуқуқий асослари, оилавий тадбиркорлик учун яратилган имкониятлар ҳақида маълумот беришди. Шунда менда ҳам оилавий корхона ташкил этиб, тикувчиликни йўлга қўйиш истаги туғилди.

Кейинчалик ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими аъзоси бўлдим. Сиёсий жараёнларга бўлган қизиқишим ортди. Турли ижтимоий-сиёсий наشرларни мунтазам ўқий бошладим. Бир

— Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган Навоий давлат кончили институтини талабалари сафига қабул қилинганим ҳаётимдаги энг бахтли кунлардан бири эди.

Институтда профессор-ўқитувчиларнинг ҳар бир сабоғини, назарий ва амалий машғулотларни пухта ўрганишга ҳаракат қилдим. Дастлаб институт миқёсидаги танловларда иштирок этиб, голиб бўлдим. Учинчи курсда ўқиётган кезларимда эса «Мураккаб таркибли сульфид, олтин, мишъякли руда ва концентратларни қайта ишлаш технологиясини яратиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишим мутахассислар ҳамда профессор-

— Мен Қарши муҳандислик-иктисодий институтини тамомлаган, мутахассислигим бўйича турли корхоналарда ишладим. Аммо ҳамма ўз ишимни йўлга қўйиш ҳақида ўйлаб юрардим. Яқинларим, мутахассислар маслаҳати билан янги-янги бизнес-режа, лойиҳалар тузишга киришдим. Улардан бирини санаят қурилиш банкнинг вилоятдаги филиалига топширдим. Мутахассислар томонидан бизнес режам маъқуллади. Шундан сўнг банк томонидан берилган 200 миң АҚШ доллар қоридидаги кредит эвазига ҳорижда ишлаб чиқарилган энг замонавий уску-

— Шу кунгача матбуотда 500 га яқин илмий ва публицистик мақолаларим chop этилган. Ёш ижодкор сифатида кўлаб танловларда иштирок этдим. «Юрт келажиги», «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» танловлари голиби бўлдим. «Юрагимни ёндир, қуёш» номи илк шеърий тўпламим нашрдан чиқди. Шунингдек, «Шофақ сеҳри» илмий мақолалар тўпламим ҳам маъракатчилик томонидан эътироф этилди.

Юртимизда қалбига бунёдкорлик шижоатини, иштиёқини жо қилган тенгдошларимни кўриб ҳавасим келади. Мен ҳам улардан ортда қолмасликка ҳаракат қиламан.

Бугун ёш ижодкорлар учун яратиб берилган шариоит ва имкониятлардан унумли фойдаланишга интиляяман.

Яқинда Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригининг ҳар сатрини кунт билан ўқидим. Узимда аллақандай куч пайдо бўлди, шу касбни танлаганимдан гуруҳландим. Табриқдаги, «...Халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг кўзини кенг очиб бериш, уларни иродаси мустаҳкам, иймони бақувват ин-

**Миршод НАРЗИЕВ,**  
ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти  
Самарқанд шаҳар бўлими етакчиси,  
«Жасорат» медали соҳибаси:

Намунали хизматларим учун «Жасорат» медали билан тақдирландим.

Бугунги кунда Самарқанд давлат университетида тахсил олаётган. Шу билан бирга ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Самарқанд шаҳар бўлими етакчиси сифатида ҳам тенгдошларимни сиёсий-ҳуқуқий билимларини



ошириш, партияимизнинг дастурий мақсадларини тарғиб этишда фаол иштирок этаётган. Келажакда сиёсатчи бўлишни ният қилганман.

**Хуршида РАҲМАТУЛЛАЕВА,**  
Наманган вилояти, Чортоқ туманидаги  
«Зар жилваси» оилавий корхонаси  
раҳбари, ЎзХДП аъзоси:

кунга газетадан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Ёш тадбиркор — элга мадақдор» танлови эълон қилинганидан хабардор бўлдим. Шундан сўнг, менда мақур танловда иштирок этиш истаги пайдо бўлди.

2013 йилда танловнинг туман ва вилоят босқичларида муваффақиятли иштирок этиб, республика босқичига йўллана олдим. Унда ишларим, бизнес-режарим юқори баҳоланиб, танлов голиби бўлдим ҳамда 100 миллион сўм миқдоридида 5 фоизли имтиёзли кредит олиш ҳу-



қуқига эга бўлдим. Ҳозирги кунда корхонамизда 4 тикув машинаси, Бухордан келтирилган зардўзлик дастгоҳлари мавжуд. Шунингдек, 5 нафар тенгдошим иш билан таъминланган. Маҳсулотларимизга талаб юқори, буюртмачиларимиз кўп. Мамлакатимизда ёшлар ўз иқтидорини намойиш этиши учун барча имконият яратилган.

**Беҳзод ТОЛИПОВ,**  
Навоий вилояти,  
Президент стипендияси соҳибаси:

ўқитувчилар томонидан истиқболли лойиҳа, деб топилди. Мақур илмий-тадқиқот учун 2011 йилда Беруний номидаги давлат стипендиясига лойиқ кўрилдим. Шундан сўнг, тахсилни магистратура босқичида давом эттирдим. Илмий ишимни янада такомиллаштириш устида ишларим ва талабаларимнинг энг катта орзуси бўлган Президент стипендиясига сазовор бўлдим.



Бу, албатта, мени янги-янги марралар сари ундайди, руҳлантиради. Келажакда кимё-металлургия соҳасида етук мутахассис бўлиб, бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган ишларга муносиб ҳисса қўшмоқчиман.

**Санжар МАМАТОВ,** Қашқадарь вилояти,  
Қарши шаҳридаги «Иссиқ нон»  
шўба корхонаси раҳбари:

наларни сотиб олиб, нон маҳсулотлари тайёрлайдиган кичик корхонани ишга туширдик.

Корхона биносини ўз кучимиз билан қурдик. Ҳозирги кунда 10 нафардан ортик йигит-қиз иш билан банд. Маҳсулотларимиз сифати харидорлар томонидан эътироф этилмоқда.

Бу ютуқларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Бунинг учун мирида ёш тадбиркорлар учун яратилган имтиёз ва шарт-шароит,



кўрсатилган гамхўрлик муҳим ҳисобланади. Президентимиз ҳар доим биз ёшларга катта ишонч билдиради. Шу боис Ватанимиз учун, халқимиз учун хизмат қилишни бурчим, деб биларман.

**Гулҷехра АШУРОВА,**  
Бухоро вилояти,  
«Йилнинг энг фаол ёш журналисти —  
2013» танлови голиби:

сонлар этиб тарбиялашда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва масъулияти тобора ортик бормоқда ва бу ўта муҳим вазифани адо этишда биз аввало сизларга, сизларнинг билим ва тажрибангиз, профессионал маҳоратингиз, гражданлик позициянгизга таянамиз, деган сўзлари мен учун шиор бўлиб қолди.




Кунга кеча олий таълим даргоҳини имтиёзли диплом билан тугатдим. Келгусида ўқишни магистратура босқичида давом эттирмаман.

«Ўзбекистон овози» муҳбири  
Нурали ОРИПОВ тайёрлади.

**ТАҲРИРИЯТДАН:** Ҳурматли газетхон! Сиз мустақиллик тенгдошларининг орзу-ўйлари, мақсад-муддаolari билан танишдингиз. Улар умрларининг навқирон фаслида ҳамма ҳавас қиладиган, интиладиган залворли ютуқларга эришмоқда. Истиқлол фарзандларининг ҳар бири марранни банд олиб, катта орзу мақсадлар билан мустақил ҳаётга кириб келмоқда, жамиятнинг ҳаракатлантирувчи ҳақиқий кучига айланмоқда. Янада аниқроқ айтсак, Президент орзу қилган авлод вояга етмоқда.

Биз бундан кейин ҳам мустақиллик тенгдошлари ҳақида мақолалар, лавҳалар, репортажлар бериб боришни режалаштираямиз. Бу борада Сизда қандай тақлифлар бор? Хатларингизни кутамиз.



## Фудзияма

фавқуллода  
«Томошага  
тайёрланмоқ-  
да...ми!»



Фудзияма чўққиси Япония рамзи ҳисобланади. Бирок унинг тинч, вазмин ҳолатига ишониб бўлмайди. Француз ва япон олимларининг фикрича, унинг қаърида яширин ётган вулқон ташқарига отилиши ҳеч гап эмас.

Маълумки, Фудзияма чўққиси 3776 метр баландликка эга бўлиб, у Токио шаҳридан 100 километр узоқликда жойлашган. Унинг остида Тинч океани, Евроосиё ва Филиппин тектоник плиталари туташган. Агар вулқон отиладиган бўлса, миллиардлаб метр куч ва чўққа айланган тоғ жинслари чор атрофга отилади.

Олимларнинг маълум қилишларича, айни пайтда тоғ остида аномал кўринишлар тезкор ҳолатда ўсиб бормоқда. Бу яқинда Фудзиямадан 500 километр узоқликда юз берган ерости силкинишдан кейин яқинроқ намоён бўла бошлаган. «Мир новостей» хафталиги хабар беришича, Фудзиямада охири мартта 1707 йили кучли вулқон отилган. У зилзила билан бир вақтда юзага келган. Зилзила кучи ўшанда 8,7 баллни ташкил қилган. Вулқон отилиши оқибатида 5 миңдан ортик одам ҳаётдан бевақт кўз юмган.

Уша пайтда Фудзияма атрофида кам сонли аҳоли истиқомат қилар эди. Ҳозир эса тоғ атрофини йирик шаҳарлар ва улкан санаят комплекслари ўраб олган.

## Гиёҳвандлик

исканжасининг  
олдини олади



Маълумки, бугунги кунда никотинга қарши вакцина яратилган. Ҳозир у синаб кўрилмоқда ва яхши натижа беришига умид қилинмоқда.

Энди эса АҚШнинг Скриппс институтининг бир гуруҳ олимлари гиёҳвандликдан исканжасининг олдини олиш учун махсус вакцина яратдилар.

Тадқиқотчи муаллифлар етакчиси Ким Яндунинг «Journal of Medicinal Chemistry» журнали муҳбирига берган интервьюсида қайд этишича, 25 йиллик изланишлар бесафар кетмади. Ҳали бундай кучли вакцина яратилмаган. Бу эмлаш воситаси гиёҳвандлик балосига гирифтор бўлган беморларга бу балосидан кутулишлари учун катта ёрдам беради.

Героинга қарши вакцина яратиш борасида қилинган саъй-ҳаракатлар эса узоқ йиллар бесафар кетди. Бирок олимлар изланишда давом этавердилар ва ниҳоят муваффақиятга эришдилар.

Вакцина каламушларда синаб кўрилади. Натижаси ёмон эмас.

## Юқумли касалликлар

даражасидан ҳам  
ортиб кетиши  
мумкин



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, бугунги кунда қандли диабетга (модда алмашинувнинг бузилиши натижасида юзага келадиган, сийдик ва қонда қанд моддаси кўпайиши билан кечадиган касаллик) чалинганлар сони дунё бўйича 347 миллион кишидан ортик кетди. Шуниси ачинарлики, бу рақам йилдан йилга ўсиб бормоқда.

Экспертларнинг таҳлилларига қараганда, дейлади «MSNBC» таркатган хабарда, 2030 йилга бориб Ер юзи аҳолисининг 10 фоизи шу касалликдан азият чекади. Яъни яна 20 йилдан сўнг уларнинг сони 522 миллион кишига етади.

Бу касаллик, айниқса, Африка қитъасида авж олиб, 90 фоизга етади. Касалликнинг бундай тус олишига асосий сабаб дунё аҳолисининг кейсиайиб бораётгани ва семизликнинг эпидемик ҳолатга айланишидир. Организм вазнининг ортиши қандли диабетга чалинишни осонлаштиради.

# Биз Ватанда, Ватан биздадир...



Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Дунёда куй кўп, кўшиқ кўп. Санъаткорнинг одамлар кўнглига йўл топиши учун яхши шеър, чиройли мусиқа ва бетакрор овоз кифоя. Лекин Ватанини кўйлаш, Ватанини мадҳ этиш шунинг ўзи камлик қилади. Ватан ҳақида фақат дилдан яралган кўшиқгина инсонлар қалбидан жой олади, ҳеч қачон эскирмайди...

«Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловнинг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида ўтказилган республика босқичида иштирокчилар ўзларининг мана шундай жонли, таъсири кичишлари билан ҳакамлар ҳайъати ва йигилганларнинг олқишу-эътирофига сазовор бўлди. Айниқса, гўзал Ўзбекистоннинг турли музика йўналишлари — опера, фольклор, эстрада, шунингдек, юртимизнинг фақат муайян ҳудудларига хос оҳангларда тараннум этилиши томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Сўзга чиққанлар Президентимиз ташаббуси билан 2009 йилдан бери Республика миқёсида ўтказилаётган мазкур танловнинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётгани, аввал унда иштирок этиб, голиб ва совриндор бўлган ижодкорлар бугун миллий ҳамда муҳим муносиб санъати ривожига муносиб ҳисса қўшиб келишадиганини таъкидлашди. Вазирлик матбуот хизматида маълум қилишча, бу йилги танловда ҳар гагидан ҳам кўпроқ — тўрт минг нафардан яқин санъаткор ҳудудий босқичларда иштирок этди ва улардан фақат 56 нафари Республика босқичига йўланма олди.

Улар орасидан энг яхшиларини танилаб олиш ҳакамлар ҳайъати учун осон бўлгани йўқ, — дейди **Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси ўринбосари, кўрик-танловнинг ҳакамлар ҳайъати раиси Ҳабибулло Раҳимов**. — Барча қатнашчиларнинг танловга жуда яхши ва пухта тайёргарлик кўргани, узок вақт шоир ҳамда созандалар билан ҳамкорликда меҳнат қилгани кўриниб турибди. Энг муҳими улар кўшиқларни юрак-юракдан ижро этишди. Залда йигилганларни ҳаяжонда ушлаб туришди. Биз, аввало, кўшиқларнинг янги, ҳали ҳеч қаерда қуйланмагани, матн ва мусиканинг уйғунлигига эътибор қаратдик. Чунки бу кўшиқлар халқимизнинг маънавий мулки, олтин хазинасига айланиши керак.

— Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа туманидан ижро этишди. Залда йигилганларни ҳаяжонда ушлаб туришди. Биз, аввало, кўшиқларнинг янги, ҳали ҳеч қаерда қуйланмагани, матн ва мусиканинг уйғунлигига эътибор қаратдик. Чунки бу кўшиқлар халқимизнинг маънавий мулки, олтин хазинасига айланиши керак.

голиб бўлиш. Бунга астойдил ҳаракат қиламан.


— Ватан ҳақидаги кўшиқнинг энг яхши, энг таъсири деб топилса, бу бахтни ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмас экан, — дейди **танловнинг яна бир голиби Дилдора Мирсодиқова**. — Авваллари ҳам кўплаб танловларда қатнашганман, голиб бўлганман. Лекин ҳеч қачон бугунгидек севинмаган, ҳаяжонга тушмаган эдим. Чунки оддий кўшиқ билан Ватан ҳақида куйлашнинг фарқи масъулияти катта. Бунинг учун, аввало, санъаткорнинг ўзи онаюртини бутун борлиги билан севиши, бошқалардан ҳам кўра, каттиқроқ яхши кўриши, шу биргина сўз қадрини юрак-юракдан ҳис қилиши зарур. Шундагина бу кўшиқ самимий янграйди, одамлар кўнглини Ватан ишқи чулғайди. Аслида, танловда биринчи марта иштирок этишим. Опера йўналишида ижро этган танловимда Авазбек Маллабоев мусиқаси ва Бобур Бобомурод шеърдан фойдаландим.

Кўрик-танлов якунланди. Голиб ва совриндорлар номи маълум бўлди. Саҳнада эса голиб иштирокчи ҳаяжон билан кўшиқ бошлади:

**«Онажонлар айтсинлар алла, Жонажонлар бошлайлик ялла, Кўшигимиз энди баралла Биз Ватанда, Ватан биздадир»...**

**Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.**

## Она ватан манзаралари



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ «САНГАРДАК» ШАРШАРАСИ.

## Сохта шоколадфурушлар

Жиноятга жазо муқаррар

Бож йиғимлари қадим-қадимда ҳам газна орқали юрт ободончилиги, халқ фаровонлиги, кўприги иморатлар қуришга сарфланган. Бож тўлашдан қочиб, яширин йўллар орқали товар-моддий бойликларни чегарадан ноқонуний олиб ўтиш ҳар доим оғир жиноят бўлиш билан бирга халққа, Ватанга хиёнат, деб баҳоланган ва қаттиқ жазоланган.

Фарғона тумани, Водил қишлоқ фуқаролар йиғини, Баратов кўчаси, 17-уйда яшовчи Мақсудахон Ғофурова яшайдиган қишлоқ Қирғизистон билан чегарадош. Бундан фойдаланиб, у йиллар давомида аслида ишлаб чиқарилган жойи нотайин бўлган, аммо халқаро бренди машҳур «Twix» ҳамда «Snikers» ёзувли шоколадларни Қирғизистон чегарасидан айланма йўллар орқали жуда кўп миқдорда ноқонуний равишда олиб ўтиш, уни Кўштепа туманида яшовчи Алишер Жамолов хонадонидан сақлаб, сўнг миқдорларига етказиб берувчи жиноий гуруҳни бошқарган. Гуруҳ аъзолари Муроджон Иргашев, Бехзоджон Жалолидинов, Сардорбек Зокирзода, Шердорбек Қобилжоновлар ҳар кунининг топшириғи билан юкларни «Нексия», «Ласетти», «Опель» русумли машиналарда Водил яқинидаги чегарадан Кўштепага — Алишер Жамолов уйига ташишган. Бу ердан у бозорларга тарқатилган.



қирғунига қадар содир этганлигини ҳисобга олиб, унга нисбатан мазкур қарор талабларини таъбиқ этди.

Қаранг, қонунларимиз қандай инсонпарвар, кеңиримли, М.Ғофурова ҳам нисбатан инсонпарварлик кўрсатилган. Унга тўғри йўлга қайтиш, ҳалол яшаш учун имконият берилмоқда.

Юқоридаги мисол атрофида баъзи мулоҳазалар туғилади кишида. Кўшнингизнинг ноқонуний иш қилаётганини, жиноят кўчасида юрганлигини биласиз, лекин жим турсиз, «менга нима» дейсиз. Ростдан сизга нимамакин, масалан, бозорларни тўлдириб турган «Twix», «Snikers», «Nan» «Nestle», турфа хил шампуну тиш ювиш пасталари санитария стандарт талабларига жавоб беради, деб ўйлайсизми?

Бефарқлик — барча жиноятларга йўл берувчи иллат. Огоҳлик тинчлик, барқарорликнинг кафолати ҳисобланади. Огоҳ киши мамлакатимизнинг кўргони, унинг келажагига хизмат қилувчи тинчлик посбонидир. Шундай фуқаролар кўпайса, жиноятчиликнинг олди олинади, турли хиёнатлар йўли ёпилади.

**Муҳаммадjon ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.**



Истиқлол йилларида мамлакатимиздаги барча шаҳар ва туман марказлари, қўрғонлар, қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгарди, янгиланди, яшарди. Бугун юртимизнинг қай бир гўшасида бўлмаган, катта-

## ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

### Яккабоғда ёшлар боғи

катта бунёдкорликлар, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига гувоҳ бўласиз. Бугунги кунда бизнинг Яккабоғ тумани ҳам улкан қурилиш майдонига айланган. Бу ерда «Ешлик» истрохат боғи ва дам олиш мажмуаси барпо этилмоқда.

— Шу мақсадда 12 гектар ер майдони ажратилди, — дейди **туман бош меъмори Нодир Жуманов**. — Айни пайтда боғни бунёд этиш ишлари уч босқичда амалга оширилмоқда. Боғ майдонини ободонлаштириш, манзарали дарахт кўчатлари экиш ишлари якунланди. Кейинги босқичда эса дам олиш маскани атрофида

аҳоли учун хизмат кўрсатиш шохбчалари — савдо дўконлари, тамаддиҳоналар барпо этиш режалаштирилган.

Бундан ташқари бу ерда ёзги амфитеатр, кичкинтойлар учун эрталаклар шаҳарчаси, турли-туман аттракционлар ҳамда мусиқий фаворалар ҳам ўрнатилди. Айниқса, боғда сунъий чўмилиш ҳавзаси — кўл барпо этилиши ҳақиқий янгилик бўлади. Бир сўз билан айтганда, бу ишларнинг барчаси Яккабоғ чиройига янада кўрк қўшади.

**Низомиддин УМИРОВ, Яккабоғ туманидаги 43-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.**

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

## ЎЗР ИИВ «Ягона буюртмачи хизмати» сифатида иш юритувчи Капитал қурилиш бошқармаси

қуйидаги объект қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

**«ИИВ қўшинларининг машғулотлар майдони. Жанговор овқатланиш пункти, муҳандислик, тактик, ўқ отиш ва ЗОМП тайёрлов майдони қурилиши»**

**Объектнинг бошланғич нархи: қўшимча қиймат солиғи билан бирга — 1.234.437.132 сўм, қўшимча қиймат солиғисиз — 1.028.697.610 сўм, қурилиш муддати — 5 ой.**

**Буюртмачи:** ЎЗР ИИВ «Ягона буюртмачи хизмати» сифатида иш юритувчи Капитал қурилиш бошқармаси.

**Манзили:** Тошкент шаҳри, Усмон Носир (1-берк кўчаси, 9-уй. Телефон: (8-371) 231-38-74, 232-25-47.

**Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** — Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдолари фақат «Қурилиш — пудрат ташкилотлари реестри»га киритилган қурилиш ташкилотлари иштирок этишига рўхсат берилди.

Давлат бюджети ва бошқа марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича:

— бошланғич қиймати 500 млн.сўмгача бўлган янги қурилиш ва капитал реконструкция қилинадиган объектлар танлов савдолари кичик бизнес корхона ва ташкилотлари ўртасида ўтказилади;

— бошланғич қиймати 500 млн.сўмдан юқори бўлган янги қурилиш ва капитал реконструкция қилинадиган объектлар тенг бўлганда, устулик кичик бизнес корхона ва ташкилотларига берилади;

— капитал таъмирланадиган объектлар танлов савдоларида кичик бизнес субъектлари квотаси 100 фоизни ташкил қилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабдорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатнома, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мажбул-лиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқи лбақат ва ваколатларга эга, тахрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳо-

ланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иш-тироқларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бундан импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитектқурилиш» кўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилоят ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси кўчаси, 46 А-уй, тел./факс: (8-375) 224-05-24, 224-18-33.**

**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 90000 сўм.**

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиши кунини ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин буюртмачи манзилида ўтказилади.

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин буюртмачи манзилида ўтказилади.

**Qabulxonа — 233-65-45**  
**Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56**  
**E-mail: info@uzbekistonovozi.uz**

**MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.**

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

РЕКЛАМА

ОБ-ҲАВО 09-10 — 08. 2014

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+20 / +25 +37 / +42

Бухоро ва Navoiy вилоятлари

+20 / +25 +37 / +42

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

+18 / +23 +35 / +40

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари


+20 / +25 +37 / +42

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

+18 / +23 +34 / +39

Тошкент шаҳри

+20 / +22 +37 / +39



Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +25 / +20

Париж +25 / +24

Москва +27 / +29

Мадрид +20 / +31

Пекин +30 / +27

Канберра +15 / +14

Рим +29 / +31

Афина +33 / +34

Токио +29 / +30

Стокгольм +26 / +25

Кейптаун +11 / +12

Қоҳира +32 / +33

Гавана +31 / +33

Вашингтон +28 / +27

«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ» ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ

барча тадбиркорларни кооперация-кўргазмасининг экспозициясига тақлиф этади.

Иш тартиби: душанба — жума кунлари соат 9:00дан 18:00гача.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6.  
Телефон: 244-39-47, 244-50-54.

www.vinsanoat.uz

Хизматлар лицензияланган.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45  
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56  
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 860  
11440  
nuxxada bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi — 220  
t — Tijorat materiallari  
O'ZA yakuni — 21.35  
Topshirilgan vaqti — 23.50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:  
Bardambek SA'DULLAYEV  
Sahifalovchi-dasturchilar:  
Zafar BAKIROV,  
Behzod ABDUNAZAROV



ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5